

ISSN: 2181-4058

DOI Journal 10.56017/2181-4058

Journal of

# RESEARCH and INNOVATIONS

ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР | ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ

*Volume I, Issue 7*

Technology

Architecture

Philology

Geography



IMFAKTOR  
PAGES

JULY | 2023

ISSN: 2181-4058  
DOI Journal 10.56017/2181-4058

**ТАДКИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР  
ЖУРНАЛИ**  
**I-ЖИЛД, 7-СОН**

**ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ  
ТОМ-I, НОМЕР-7**

**JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS  
VOLUME-I, ISSUE-7**

ТОШКЕНТ - 2023

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

№ 7 (2023) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4058-2023-7>

## Бош мұхаррир:

Салимов А. – архитектура фанлари доктори, профессор

## Масъул мұхаррир:

Кадиров К. – филология фанлари номзоди, доцент

## Таҳририят аъзолари:

- |                |   |
|----------------|---|
| Омонов Қ.      | – филология фанлари доктори, профессор          |
| Мухибова У.    | – филология фанлари доктори, профессор          |
| Каримов Б.     | – филология фанлари доктори, профессор          |
| Рашидов Т.     | – санъатшунослик фанлари номзоди, доцент        |
| Мухамедова Ф.  | – санъатшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори |
| Тешабоев Ж.    | – санъатшунослик фанлари доктори, профессор     |
| Эгамбердиев И. | – техника фанлари доктори, профессор            |
| Ташманов Е.    | – техника фанлари доктори, профессор            |
| Салихова О.    | – техника фанлари номзоди, доценти              |
| Закиров Х.     | – қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор    |
| Гулмуродов Р.  | – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор    |
| Жумамуратов А. | – қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор    |
| Камолов Б.     | – география фанлари доктори, профессор          |
| Миракмалов М.  | – география фанлари номзоди, доцент             |
| Тожиева З.     | – география фанлари номзоди, доцент             |
| Юсупова М.     | – архитектура фанлари доктори, профессор        |
| Аскаров Ш.     | – архитектура фанлари доктори, профессор        |
| Назарова Д.    | – архитектура фанлари бўйича фалсафа доктори    |

Мазкур фанларапо илмий-амалий журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2022 йил 22 декабрь куни № 054912-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдураҳмон Хасанов

**Таҳририят манзили:** <https://imfaktor.uz>, 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-үй.

**Телефон номер:** +99894-410 11 55, **E-mail:** [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

**© IMFAKTOR Pages, 2023 йил.**

**© Муаллифлар жамоаси, 2023 йил.**

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ | JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS

*Филология фанлари*

**ФАТУЛЛАЕВА Камола Рахматуллаевна**

*Бухоро давлат университети*

*Факультетларапо чет тиллар кафедраси ўқитувчиси*

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8176766>

## “ТЕРМИНШУНОСЛИК”, “ТЕРМИНОЛОГИЯ” ВА “ТЕРМИН” ТУШУНЧАЛАРИНИНГ МУТАНОСИБЛИГИ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада терминшунослик, терминология, термин тушунчалари ўрганилган, таққосланган ва муҳокама қилинган. Ҳозирги кундаги тиббиёт лингвистикасининг терминологик ҳамда лексик-семантик қирраларини типологик ўрганиш, функционал хусусиятларини таснифлаш ва қиёсланишини мисоллар билан тасвирланган. Замонавий тиббиёт терминологияси макротерминологик тизим сифатида жаҳон тиббиёти фанининг кўп асрлик тараққиёти натижасида шаклланган, жадал ривожланиб бораётган тиббий ва параметрикал атамалар мажмуаси билан ифодаланади.

**Калит сўзлар:** терминшунослик, терминология, термин, сўз бирикмалари, синтактика конструкциялар, калькалаш, семантик калькалаш, ўзлашиш, лексикология.

**ФАТУЛЛАЕВА Камола Рахматуллаевна**

*преподаватель кафедры межфакультетская иностранных языков*

*Бухарского государственного университета*

## СОРАЗМЕРНОСТЬ ПОНЯТИЙ “ТЕРМИНОЛОГИЯ” И “ТЕРМИНЫ”

### АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются понятия терминология, термины. Типологическое изучение терминологических и лексико-семантических аспектов современной медицинской лингвистики, классификация и сравнение функциональных характеристик описаны на примерах. Современная медицинская терминология как макротерминологическая система представлена бурно развивающимся комплексом медицинских и фельдшерско-акушерских терминов, сформировавшихся в результате многовекового развития мировой медицинской науки.

**Ключевые слова:** терминология, терминология, словосочетания, синтаксические конструкции, калькуляция, семантическая калькуляция, словообразование, лексикология.

**FATULLAYEVA Kamola Rakhmatullayevna**  
*Department of foreign languages Inter-Faculty,  
Bukhara state university*

## **PROPORTIONALITY OF THE CONCEPTS OF "TERMINOLOGY", "TERMINOLOGY" AND "TERM"**

### **ANNOTATION**

In this article describes the concepts of terminology, terminology. Examples illustrate the typological study, classification and comparison of functional features of the terminological and lexical-semantic edges of medical linguistics of the present day. Modern medical terminology as a macro-terminological system is represented by a complex of rapidly developing medical and paramedical terms, formed as a result of the centuries-old development of World Medical Science.

**Key words:** terminology, terminology, phrases, syntactic constructions, calculation, semantic calculation, word formation, lexicology.

Жаҳон тилшунослигига тилни тизим сифатида ўрганиш XX асрда бошланиб, тил бирликларини ўзаро боғлиқликда маълум бир қонуниятлар асосида бирлашган тизим сифатида тадқиқ этиш олимлар томонидан эътироф этила бошланди ва бу борадаги изланишлар қайд этилган даврда салмоқли даражада юксалди. Тилдаги янгиланишлар замонавий тилшуносликнинг олдига бир қатор масалаларни кўндаланг қўйди. Тилнинг соҳавий тагсистемаси ўз ривожланиши ва тараққиёти баробарида умумтил системаси таркибига сингиб кетиб, унинг ажралмас қисмига айланиб боради. Илмий-соҳавий тушунчалар ўз ифодасини сўзлар, сўз бирикмалари, синтактик конструкцияларда топишга интилади, натижада терминлар юзага келади.

Сўнгги йилларда терминология жаҳон тилшунослигига энг муҳим тадқиқот обьекти бўлиб келмоқда. Тўғри, “термин” тушунчасига аниқлик киритиш муаммоси бир неча авлод вакиллари дикқат-эътиборида бўлган. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, бугунги ижтимоий ҳаётдаги туб бурилишлар: илм-фан, тиббиёт ривожи, техника тараққиёти, иқтисодий ислоҳотлар терминни тадқиқ қилишни ҳамон тақозо этмоқда.

Терминология соҳасининг ривожланиши австриялик тилшунос олим Ойген Вюстер номи билан боғлиқ бўлиб, замонавий терминологиянинг ривожланишида салмоқли ҳисса қўшган олимнинг ишлари сабабли австриялик тилшунос олим терминологининг отаси деб хисобланган. Ўзининг докторлик диссертациясида у терминология билан ишлаш услубларини тизимлаштириш бўйича бир қанча далиллар келтириб, терминлар билан ишлашнинг бир қатор тамойилларини яратди ва терминларни қайта ишлаш методологиясининг асосий қоидаларини белгилаб берди. Унинг фикрига кўра, тўрт нафар тилшунос олим терминологик назариянинг интеллектуал оталари хисобланади: “Германиялик олим Альфред Шолман маҳсус терминларнинг систематик хусусиятини хисобга олган биринчи олим; швейцариялик тилшунос Фердинанд де Соссюр тилнинг систематик хусусиятига эътибор берган биринчи олим; россиялик Эрнест Дрезен стандартлаштиришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини биринчилардан бўлиб кашф этган; ЮНЕСКО вакили бўлган инглиз олими Э. Холмсторм терминологияни халкаро миқёсга олиб чиқиша мухим роль ўйнаган шахс ҳисобланади” [1].

Бир қатор олимларнинг олиб борган ишлари натижасида терминлар ҳакида бир қанча концепциялар ишлаб чиқилган. Нарса-буюм маъноси ва тушунча маъноси ўртасидаги муносабатни ўрнатишда қуйидаги уч гипотезани инобатга олган ҳолда ишлаш мақсадга мувофиқдир:

1) термин луғавий маънога эга, аммо бу маъно фақат ифодаланаётган тушунча билан чегараланмайди (Д.П. Горьский, К.А. Левковская, А.С. Герд);

2) термин лугавий маңнога эга ва бу маъно тушунчадир (Е.М.Галкина-Федорук, П.С. Попов);

3) термин лугавий маңнога эга эмас, балки тушунчага тўғри келади (А.А.Реформатский, Л.А.Капанадзе). Терминга қўйиладиган энг асосий талабларни биринчилардан бўлиб терминология соҳасининг асосчиси Д.С.Лотте ишлаб чиқкан. Булар: тизимлилик, контекстга боғлиқ эмаслик, қисқалик, бир маънолик, аниқлик, оддийлик, тушунарлилик.

Ўз навбатида, В.М.Лейчик айни масала юзасидан тўхталиб, шундай дейди: “Агар XX аср биринчи ярмида тилшунослар терминни лугат таркибининг узоқ бир периферияси сифатида қарашган бўлса, бугунги кунда, илмий-техника инқилобини бошдан кечирганимиздан кейин, унга муносабат кескин равишда ўзгарди. Айрим мутахассислар ҳисоб-китобига кўра ривожланаётган тиллардаги янги лексиканинг 80-90% ни терминлар ва бошқа маҳсус ЛБ (лексик бирлик)лар ташкил этишини инобатга олиш керак, зоро кўп олимлар томонидан эътироф этиладиган “тил интеллектуаллашуви” маълум даражада тилда маҳсус лексиканинг кенг қўлланиши билан боғлиқдир” [2].

Термин лотинча “terminus” сўзидан олинган бўлиб, чегара, чегара белгиси, чек маъноларини англатади [3].

В.Н. Шевчук терминга қўйидагича таърифни беради: “Термин – бу сўз бўлиб, ўрта асрларда “аниқлаш”, “ифодалаш” деган маъноларни билдирган, қадими француз тилида мавжуд бўлган “term” лексемаси “сўз” деган маънони ифодалаган” [4].

А.А. Реформатский таърифича, термин сўз ҳисобланиб, улар ўзининг алоҳида ва маҳсус белгилари билан чегараланади, терминлар фан, техника, иқтисод, сиёсат ва дипломатия соҳаларидаги бир маъноли, аниқ сўзлардир [5].

В.П. Даниленко “термин” сўзига ўзгача ёндашади: “Терминлар – лугат таркибининг бир қисми ҳисобланиб, фан ва соҳалар предметининг аниқловчисидир”[6].

Термин тушунчаси тилшунос олимлар томонидан турлича талқин қилинади ва умумий бир таърифга эга эмас. Бу хусусда З.И.Комарованинг ишида қайд қилинишича, “айрим олимлар терминга мантиқий изоҳ беришади; бошқа бир гурух терминга хос белгиларни тушунтирган ҳолда унинг маъносини тавсифлашга ҳаракат қилишади; учинчи гурух олимлари эса терминни бошқа бир бирликка қарама-қарши қўйиш йўли билан ажратадилар” [7].

Назаримизда, терминга (системалик, моносемияга интилувчанлик, соҳавийлик) ва унинг пайдо бўлишига хос хусусиятлар (ички ясалиш, калькалаш, семантик калькалаш, ўзлашиш кабилар) бирор бир тил ёки соҳалар кесимида чегара билмайди. Буни эса тил жараёнларига нолисоний омилларнинг фаол таъсири сифатида баҳолаш мумкин. Маълумки, термин – кўп аспектли бирлик бўлиб, бир пайтнинг ўзида бир нечта фаннинг объекти бўла олади ва ҳар бир фан термин тушунчасига ўзига хос белги ва хусусиятларни киритишга уринади.

Ўзбек тилшуносларининг фикрича, терминга қўйидагича таъриф бериш мумкин: фан, техника ва бошқа соҳага оид нарса ҳақидаги тушунчани аниқ ифодалайдиган, ишлатилиш доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз биримаси термин деб аталади. Терминлар бир маъноли бўлиши, экспрессивлик ва эмоционалликка эга бўлмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланади. Масалан, лингвистик терминлар: гап, эга, от, сон, товуш; геометрияга оид терминлар: айлана, учбурчак; физикага оид терминлар: жисм, босим, ҳаракат, майдон; кимёга оид терминлар: сув, кумуш, ишқор, тузлар ва бошқалар.

Таникли ўзбек тилшуноси С.Усмонов қўйидаги таърифни келтиради: “Термин гапдан ташқарида олинганда ҳам маълум бир аниқ маъно ифодалайдиган сўз ёки турғун ҳолатдаги сўз биримасидир” [8].

Термин ҳам бошқа лексик бирликлар сингари аташ функциясига эга. Бир гурух олимлар термин хусусиятларини лексик бирлик функцияси доирасида таҳдил қиласидилар. У ерда термин маҳсус сўз эмас, балки сўзниң маҳсус функцияси сифатида талқин қилинади. Рус тилшуноси Г.О.Винокур мазкур йўналиш асосчиси сифатида эътироф этилади.

У бириңчилардан бўлиб терминни “махсус функциядаги сўз” [9] деб атайди ва биз назарда тутаётган аташ функцияси ҳақида фикр юритади.

Г.О.Винокурнинг фикрини кўллаб-кувватлаган ҳолда Ҳ.Жамолхонов бу масалага нисбатан қўйидагича ёндашади: “Дарҳақиқат, терминнинг аташ функцияси асосий белгилардан бири. Аммо бу функция от туркумидан бошқа сўзларга ҳам хос. Демак, аташ функциясини термин билан сўз ўртасидаги асосий фарқ деб бўлмайди [10].

Бу ғоя кейинчалик В.Г.Гак, В.М. Лейчик, А.И.Моисеев, Б.Н.Головинларнинг тадқиқотларида ҳам ривожлантирилади. Д.А.Розарёнов томонидан ўринли қайд этиб ўтилганидек, “терминнинг функционал назариясига кўра, деярли исталган сўз термин бўла олиши ва, аксинча, исталган термин терминлик хусусиятини йўқотиб, умумистеъмол сўзга ўтиб қолиши мумкин” [11].

Замонавий терминология фанлараро соҳадир, бу мантиқ, тилшунослик, информатика, концептология, психология каби фан соҳалари билан ҳамкорлиқда пайдо бўлди. Терминшунослик тилшунослик каби иккита - назарий ва амалий бўлимни ўз ичига олади. Муайян терминологик тизимларни ўрганиш одамлар касбий фаолиятининг турли соҳаларидаги терминлар ва терминологик тизимларнинг семантик табиати, грамматик тузилиши ва ишлаш қонуниятларини ўрганувчи шунингдек кўплаб муаммоларининг ҳал этилмаганлиги сабабли маълум қийинчиликлар билан боғлиқ..

*Хулоса килиб шуни айтиши мумкинки, назарий терминшунослик алоҳида терминлар ва улар тўпламларининг мазмуни, шаклий ва функционал тузилишини таҳлил қилиш билан шуғулланади. Ушбу илмий фан доирасида қиёсий ва тарихий терминшунослик, терминшунослик назарияси ва терминология тарихи шаклланди. Амалий терминшунослик лексикографик ҳамда терминологик фаолият бўлиб, терминлар ва терминологик тизимларнинг унификацияланиши (бирлашиши), терминларни тартиблаштириш, стандартлаштириш ва уйғунлаштириш билан шуғулланади.*

Демак, айтиш мумкинки, фанда термин ва терминлар тизимининг умумий қабул қилинган таърифлари мавжуд эмас. Терминология (терминлар тизими) – бирор бир махсус билим соҳаси ва инсон фаолиятининг белгилари тизими, бу унинг коммуникатив эҳтиёжларига хизмат қиласиган, унинг тушунчалари тизимига нисбатан изоморфдир [12], термин эса соҳавий тизимнинг элементи бўлиб, асосан махсус билим тушунча ёки инсон фаолиятига тегишли профессионал илмий асосни номлайдиган сўз ёки иборани ифодалайди.

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турганидек, *термин* таърифига унинг нафақат илмий-техник, балки инсоннинг касбий фаолиятининг ҳар қандай соҳасига оид тушунчани аташини ҳам киритиш ўринли кўринади. Ҳар қандай термин, биринчи навбатда, содда тушунчани эмас, балки профессионал-илмий тушунчани атагани ва тегишли махсус тил бирлиги сифатида кўллангани учун ҳам терминдир.

## ИҚТИБОСЛАР/СНОСКИ/REFERENCES

1. Protopopescu D. “Theories of terminology – past and present”. Studii și cercetări de onomastică și lexicologie SCOL 6 (1-2), 2013. p. 195-201
2. Лейчик В.М. Проблемы отечественного терминоведения в конце XX века // Вопросы филологии. – Москва, 2000. – С.20.
3. Крысин Л.П. Толковый словарь иноязычных слов. –М.: Русский язык, 1998.- 846 с.
4. Шевчук В.Н. Производные военные термины в английском языке.–М.: Воензат,1983. - 231 с.
5. Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка // Проблемы структурной лингвистики.– М.: Наука, 1968. 343 с.
6. Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания.– М.: Наука, 1977. – 248 с.
7. Комарова З.И. Семантическая структура специального слова и еѐ лексикографическое описание. – Свердловск: Изд-во Уральского университета, 1991. – С.18.
8. Усмонов С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1968. – Б.4.
9. Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии// Труды Московского Института истории, философии, литературы. – т. 5. – Москва, 1939. – С.3.
10. Жамолхонов X.А. Термин, терминология ва омонимия ҳодисалари ҳақида баъзи бир мулоҳазалар (ботаника терминлари асосида) //Ўзбек тилшунослигининг айрим масалалари, ТДПИ, Илмий асарлар, 87-том. – Тошкент, 1972. – Б.34.
11. Розарёнов Д.А. Термин в современном художественном произведении (на материале английского языка): дисс...канд.филол.наук. – Тула, 2007.
12. Авербух К.Я. Общая теория термина / К.Я. Авербух. – Иваново, 2004. – 251 с.
13. Fatullayeva K. TIBBIYOTDA ATAMALARNING MA’NODOSHLARI XUSUSIDA //Theoretical aspects in the formation of pedagogical sciences. – 2023. – Т. 2. – №. 7. – С. 58-61.
14. K. R. Fatullayeva TIBBIY BIRLIKLARNING LEKSIK-SEMANTIK MUNOSABATLARI. -2023.-B.59-61

ISSN: 2181-4058  
DOI Journal 10.56017/2181-4058

# ТАДҚИҚОТ ВА ИННОВАЦИЯЛАР ЖУРНАЛИ

I-ЖИЛД, 7-СОН

ЖУРНАЛ ИССЛЕДОВАНИЯ И ИННОВАЦИИ  
ТОМ-I, НОМЕР-7

JOURNAL OF RESEARCH AND INNOVATIONS  
VOLUME-I, ISSUE-7

«Тадқиқот ва инновациялар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054912-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-үй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: [tahririyat@imfaktor.uz](mailto:tahririyat@imfaktor.uz)

Веб-сайт: [www.imfaktor.uz](http://www.imfaktor.uz)